БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 269 (18.746). ● Шанба, 1983 йил 26 ноябрь ● Баҳоси 3 тийин.


## КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. АНДРОПОВнинг БАЁНОТИ

Совет Иттифоқи раҳбарлари совет кишиларини ва бошқа халқларни ҳозирги Америка маъмуриятининг урушқоқлик йўли хусусидаги ўз фикрларидан хабардор қилган ва АҚШ ҳукуматини ҳамда у билан биргалашиб иш тутаётган Ғарб мамлакатларини бу йўлнинг хатарли оқибатларидан огоҳлантирган эди.

Аммо Вашингтон, Бонн, Лондон ва Рим ақл-идрок овозига қулоқ солмадилар — ГФР, Буюк Британия ва Италия территориясида Американинг ўртача олисликка учириладиган ракеталари жойлаштирила бошланди. Шундай қилиб, Европа қитъасида Американинг «Першинг»лари ва қанотли ракеталари пайдо бўлиши рўй берган фактга айланиб қолмоқда.

Ҳозирги тарихда илгари асло кўрилмаган кўп муддат — қарийб қирқ йилдан бери Европа тинчлик шароитида яшаб келмоқда. Бунга социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг изчил тинчликсеварлик сиёсати, қитъадаги тинчликсевар кучларнинг ғайрат-ҳаракатлари, шунингдек Ғарбдаги соғлом фикрли сиёсатчиларнинг реалистик позицияси туфайли эришиш мумкин бўлди. Европада Шимолий Атлантика иттифоқи давлатлари билан Варшава Шартномаси давлатлари ўртасида вужудга келган ҳарбий, шу жумладан ядровий кучларнинг тахминий мувозанати Европа хавфсизлиги ва барқарорлиги ишига объектив равишда хизмат қилди.

Энди АҚШ билан НАТО умуман тарози палласини ўз томонига оғдиришга қаратилган қадам қўймоқда. Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари чегаралари яқинига жойлаштирилаётган ядровий ракеталар мутлақо Ғарбий Европани ҳимоя қилиш учун мўлжалланган эмас — унга ҳеч ким хавф солаётгани йўқ. Американинг ракеталари Европа ерида жойлаштирилиши билан Европанинг хавфсизлиги мустаҳкамланмайди, балки АҚШ Европа халқлари бошига фалокат солиши реал хавфи кучаяди.

Икки жаҳон урушида Америка Қўшма Штатларининг территориясида вайронгарчилик ёнғини содир бўлмаган эди. Вашингтондагилар эндиликда ҳам ўзларининг ўртача олисликка учириладиган ракеталарини Европада жойлаштириб ва шу тариқа социалистик мамлакатлар учун қўшимча ядро хавфини вужудга келтириб, шу орқали жавоб зарбасини ўз юртидан даф қилишга муваффақ бўлишни ўйламоқчи бўлиб турибдилар. АҚШнинг Ғарбий Европадаги иттифоқчилари хавфсизлигига келганда эса бу нарса Америка раҳбарларини башарти Вашингтон ядро урушида ютиб чиқишдан иборат хом хаёлга берилиб, шу урушни бошлашга журъат этгудек бўлса, Қўшма Штатларнинг ўзига ёпириладиган интиқомни Ғарбий европаликлар ўз жонлари билан, ўз шаҳарлари вайрон бўлиши эвазига камайтира олишлари нуқтаи назаридангина қизиқтираётганга ўхшайди.

Американинг ядровий ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирилиши Ғарбда томонларнинг Европадаги кучлари ҳозирги нисбати хусусидаги гўё қандайдир мавжуд хавотирликка нисбатан кўрилган чора сифатида қўйилган қадам эмас. Ҳозирги вақтда Европада НАТО билан Варшава Шартномаси ўртасида ўртача олисликка учириладиган ядровий воситаларда тахминий тенглик сақланиб қолаётганлиги, ядро зарядлари соҳасида эса НАТО томони анчагина устунлиги кўп марталаб, конкрет рақамлар билан исботлаб берилди. Ғарбдаги кўпгина сиёсий арбоблар ва мутахассислар ҳам шунга қўшилдилар. Модомики, шундай экан, агар бирон-бир томонда хавотирлик туғилиши мумкин бўлса, НАТО давлатларининг ҳарбий машиналари хавф солиб турган Варшава Шартномаси мамлакатларигина хавотирликка тушишлари лозим эди.

Мана шуларнинг ҳаммасини чамалаб кўриб, Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар Вашингтоннинг социализм ижтимоий системасига қарши «салб юриши» эълон қилганлигидан ҳамда ҳозир янги ядро қуролларини бизнинг уйимиз остонаси ёнига жойлаштириш тўғрисида фармойиш берган кимсалар ўзларининг амалий сиёсатини мана шу телбанамо фикрга асосланиб қураётганликларидан кўз юма олмайдилар. НАТОдаги бир қанча мамлакатларнинг ҳукуматлари Европада «Першинг-2» ва қанотли ракеталарни жойлаштириш орқали мана шу авантюрачилик фикри учун конкрет ракета-ядро базасини вужудга келтириш истагига берилганга ўхшайдилар.

Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар шу хавф билан ҳисоблашмасликлари мумкинми? Йўқ, мумкин эмас. Шу сабабли етти социалистик мамлакатнинг олий партия ва давлат раҳбарлари 1983 йил 28 июнда Москвада бўлиб ўтган учрашувда НАТО блокининг Варшава Шартномаси мамлакатларидан ҳарбий устунлигига ҳеч қандай шароитда йўл қўймасликларини билдирдилар.

ГФР, Англия, Италия ҳукуматлари ўз мамлакатларида Американинг ракеталари жойлаштирилишига рози эканликларини тасдиқлаганларида АҚШ аввал бошданоқ Европадаги ядро қуроллари хусусида ўзаро мақбул бир битимга келишни хоҳламаганини ҳамда бундай битимга келинмаслиги учун Женевадаги музокараларда ва ундан ташқарида зўр бериб ҳаракат қилганини билмасликлари мумкин эмас. Совет Иттифоқи, унинг иттифоқчилари ўз хавфсизлигини муҳофаза қилиш учун албатта зарур чораларни кўришларини, АҚШнинг ва умуман НАТОнинг Европадаги кучларнинг мавжуд тахминий мувозанатини бузишига йўл қўймасликларини билмасликлари мумкин эмас эди.

Биз Американинг янги ракеталари Ғарбий Европада пайдо бўлиши Европадаги ядро қуроллари юзасидан Женевада олиб борилаётган музокараларни давом эттиришга имкон қолдирмаслигини ҳам аниқ-равшан айтган эдик.

Кейинги кунларда ГФР, Англия ва Италия ҳукуматлари қабул қилган қарорлар бу ҳукуматларнинг ўз халқлари хоҳиш-иродасига хилоф равишда, ўз мамлакатларининг хавфсизлиги манфаатларига хилоф равишда ҳамда Европа тинчлиги ва ялпи тинчлик манфаатларига хилоф равишда Американинг ракеталари ўрнатилишига йўл очиб қўйганликларидан далолат бериб турибди. Шу тариқа улар калтабинлик сиёсатининг оқибатлари учун бутун масъулиятни АҚШ ҳукумати билан бирга ўз зиммаларига олдилар, мана шундай оқибатлар ҳақида Совет Иттифоқи анча илгари огоҳлантириб қўйган эди.

Совет раҳбарлари вужудга келган вазиятнинг ҳамма жиҳатларини пухта равишда чамалаб кўриб, қуйидаги қарорларни қабул қилдилар.

**Биринчи.** Модомики, АҚШ ўз ҳаракатлари билан Европадаги ядро қуролларини чеклаш масалаларига бағишланган музокараларда ўзаро мақбул битимга эришиш имкониятини барбод қилган экан ҳамда ҳозирги шароитда шу музокараларни давом эттириш АҚШнинг ва НАТОдаги бошқа бир қанча мамлакатларнинг Европа ва халқаро хавфсизликни қўпоришга қаратилган ҳаракатлари учун ниқобгина бўлган экан, Совет Иттифоқи ўзини шу музокараларда бундан буён қатнаша олмайди деб ҳисоблайди.

**Иккинчи.** Совет Иттифоқи музокараларда муваффақиятга эришиш учун қулайроқ шароит вужудга келтириш мақсадида ўз ташаббуси билан зиммасига олган мажбуриятлар бекор қилинади. Шу тариқа СССРнинг Европа қисмида ўртача олисликка учириладиган совет ядровий воситаларини жойлаштиришни тўхтатиб қўйиш бекор қилинади.

**Учинчи.** ГДР ва ЧССР ҳукуматлари билан келишиб, шу мамлакатларнинг территориясида оширилган олисликка учириладиган оператив-тактик ракеталарни жойлаштириш юзасидан бирмунча вақт муқаддам бошланган ва илгари эълон қилинган тайёргарлик ишлари жадаллаштирилади.

**Тўртинчи.** Модомики, АҚШ ўз ракеталарини Европада жойлаштириш йўли билан Совет Иттифоқи учун ядро уруши хавфини кучайтираётган экан, тегишли совет воситалари шу вазиятни ҳисобга олиб, океан районларида ва денгизларда жойлаштирилади. Бизнинг мана шу воситаларимиз ўз характеристикалари жиҳатидан биз ва иттифоқчиларимиз учун Американинг Европада жойлаштирилаётган ракеталари соладиган хавфга бас келадиган бўлади.

СССРнинг ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам кўрилиши ўз-ўзидан равшан.

Биз ўзимиз қабул қилган қарорларни амалга оширишга киришар эканмиз, совет томонининг жавоб чоралари НАТО мамлакатларининг ҳаракатлари тақозо этадиган доираларга қатъий мувофиқ равишда бўлади, деб айтамиз. Биз шуни яна бир бор таъкидлаймизки, Совет Иттифоқи ҳарбий устунликка интилмайди ва биз ҳарбий мувозанат бузилмаслиги учун мутлақо зарур бўлган ишларнигина қиламиз.

Башарти АҚШ ва НАТОдаги бошқа мамлакатлар Американинг ўртача олисликка учириладиган ракеталари Европада жойлаштирила бошлагунча мавжуд бўлган ҳолатга қайтишга тайёр эканликларини билдирсалар, Совет Иттифоқи ҳам шундай қилишга тайёр бўлади. Шунда бизнинг Европадаги ядро қуролларини чеклаш ва қисқартириш масалалари юзасидан илгари киритган таклифларимиз ҳам яна ўз кучида қолган бўлур эди. Мана шундай тақдирда, яъни аввалги ҳолат қайтадан тикланган шароитда СССРнинг бу соҳада ўз зиммасига олган мажбуриятлари ҳам яна кучга киритилган бўлур эди.

Совет Иттифоқи шуни жуда аниқ-равшан ва қатъий қилиб айтадики, қуролланиш пойгасини, аввало ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини камайтириш ва пировард натижада бу хавфни бутунлай тугатишдан иборат принципиал йўлга содиқ бўлиб қолади. У шу олижаноб мақсадларга эришишга бундан буён ҳам ўзининг бутун куч-ғайратларини сарфлайверади.

Совет Иттифоқи Европадаги ядро қуроллари масаласи жуда тубли равишда ҳал этилиши учун аввалгидек ҳаракат қилаверади. У ўзининг Европани ҳам ўртача олисликка учириладиган, ҳам тактик ядро қуролидан бутунлай халос қилиш тўғрисидаги таклифини яна такрорлайди.

Совет раҳбарлари АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари раҳбарларига мурожаат этиб, Американинг янги ракеталарини Европада жойлаштириш режаларининг амалга оширилиши уларнинг ўз халқларига, бутун инсониятга келтирадиган ҳамма оқибатлар хавфини яна бир бор пухта ўйлаб кўришга чақирадилар.

Бусиз ҳам биз ҳозир жуда мўрт тинчлик шароитида яшаб турибмиз. Шу сабабли масъул давлат арбоблари содир бўлаётган ҳодисаларни чамалаб, оқилона қарор қабул қилишлари керак. Инсоний ақл-заковатгина инсониятни даҳшатли хавф-хатардан омон сақлаб қолиши мумкин ва лозим. Биз дунёни тобора хатарли қуролланиш пойгаси йўлига судраётган кишиларни шу йўл билан ҳарбий устунликка эришиш, бошқа халқларга ва давлатларга ўз хоҳиш-иродасини мажбуран ўтказишдан иборат рўёбга чиқмайдиган умидлардан воз кечишга чақирамиз.

Совет Иттифоқи шунга аминдирки, тинчлик қурол-яроғларнинг тобора янги-янги турларини кўпайтириш ва ихтиро қилиш йўли билан эмас, балки, аксинча, мавжуд қурол-яроғларни мислсиз жуда паст даражага тушириш йўли билан мустаҳкамланиши ва шу йўл билан халқларнинг хавфсизлиги гарантияланиши мумкин. Фақат катта-катта моддий, интеллектуал ва бошқа ресурслар ноўрин сарфланаётганлиги оқибатида инсониятнинг ҳал қилинмай келаётган вазифалари ҳаддан ташқари кўп. Мана шу нуқтаи назардан олганда ҳам ядро қуролини ва бошқа қуролларни тубдан қисқартириш тўғрисида бир битимга эришиш барча халқлар учун манфаат келтирган бўлур эди.

Совет раҳбарлари совет халқининг хоҳиш-иродасини бажариб, уруш хавфини даф қилиш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун тинчликни сақлаб қолиш йўлида бундан буён ҳам ҳамма ишларни қилаверишларини билдирадилар.

## САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номига меҳнаткашлардан, партия, совет ва жамоат ташкилотларидан, корхоналар, муассасалар, қурилишлар, колхозлар, совхозларнинг коллективларидан Совет Армияси ва Флоти жангчиларидан кўпдан-кўп табрикномалар ва қутловлар олинди.

Табрикномалар партия билан халқ метиндек бирлигининг, Советлар мамлакати коммунистлари улуғ Ленин васиятларига содиқлигининг, совет кишилари Коммунистик партия раҳбарлигида Октябрь Ватанининг тарихий зафарларидан фахрланаётганликларининг ёрқин намойиши бўлди. Табрикномалар халқимиз ўзининг ғоявий жиҳатдан ҳақлигига ишончи комил эканлигини, ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг ҳозирги босқичида партия ўзининг XXVI съездида, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларида ўртага қўйган катта-катта вазифаларни ҳал этишда янги ютуқларга эришиш йўлида фидокорона меҳнат қилишга шай эканлигини ифода этади.

Табрикномаларда партиянинг мамлакат ичкарисидаги ва халқаро майдондаги сиёсий йўли, КПСС Марказий Комитети, унинг ўртоқ Юрий Владимирович Андропов бошчилигидаги Сиёсий бюросининг хўжалик механизмини, совет кишиларининг бахтиёр турмушини бутун планетада мустаҳкам тинчликни таъминлаш манфаатларини кўзлаб мамлакатдаги жамики ижтимоий-сиёсий муносабатларни такомиллаштириш соҳасидаги тинимсиз фаолияти батамом қўллаб-қувватланади ва астойдил маъқулланади.

Меҳнат коллективлари умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, меҳнатда ғайрат-шижоат, ишга чинакам хўжайинларча муносабатда бўлиш намуналарини кўрсатиб, шу йил план топшириқлари ва қабул қилинган мажбуриятлар муваффақиятли адо этилганлиги тўғрисида рапорт бермоқдалар. Табрикномаларда Октябрнинг олтмиш олти йиллиги меҳнат унумдорлигининг сезиларли равишда ўсиши, фан-техника тараққиётининг жадаллашиши, уюшқоқлик, интизомнинг кучайиши ҳамда барча бўғинларда ва ҳамма иш соҳаларида ҳар бир кишининг ўз партиявий ва гражданлик бурчига масъулият билан ёндашуви ошганлиги билан нишонланганлиги қайд этилади. Бу — умуман беш йилликни муваффақиятли равишда амалга ошириш, озиқ-овқат, энергетика программалари ва мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришга, совет кишиларининг фаровонлиги, ва маънавий маданиятини юксалтиришга доир бошқа комплекс программалар бажарилишининг гаровидир.

Социалистик мамлакатлар, коммунистик, ишчи, революцион-демократик партиялар ва озодлик ҳаракатларининг, ҳукуматларнинг раҳбарларидан, давлат ва жамоат арбобларидан, чет мамлакатлардаги айрим гражданлардан ҳам табрикномалар олинди.

Бизнинг дўстларимиз совет халқи тарихий зафарларининг муттасил ортиб бораётган халқаро аҳамиятини, Октябрь туфайли вужудга келган янги цивилизациянинг тараққиётини, халқларнинг тинчлик ва революцион, озодлик кураши ишига СССР ғоят катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидламоқдалар. Улар совет кишиларини байрам билан муборакбод этиб, КПСС ва Совет ҳукуматининг актив ҳамда изчил йўли билан астойдил бирдам эканликларини изҳор этмоқдалар. Бу йўл империализмнинг айби билан ғоят кескинлашиб кетган ҳозирги халқаро вазиятда инсониятни ядро ҳалокатидан халос этишга, кишиларнинг яшашга бўлган муқаддас ҳуқуқини таъминлашга, планетадаги барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Советлар мамлакатининг Европада ҳарбий мухолифликнинг авж олдирилишига, империализмнинг халқлар суверенитети ва эркинлигига нисбатан тажовузларига тўсқинлик қилишга қаратилган конструктив йўли қўллаб-қувватланади. Табрикномаларда Совет Иттифоқининг интернационалистик тинчликсевар ленинча сиёсати, бутун социалистик ҳамдўстликнинг қудрати тинчлик учун, империализм ва реакцияга қарши курашчиларнинг ҳаммасини руҳлантираётганлиги қайд этилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Улуғ Октябрнинг 66 йиллиги муносабати билан йўллаган табрикномалари ва билдирган эзгу истаклари учун барча партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар, қурилишлар, муассасалар, колхозлар ва совхозларнинг коллективларига, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, социалистик мамлакатлар, коммунистик ҳамда ишчи, революцион-демократик партиялар, ҳукуматларнинг раҳбарларига, чет мамлакатлардаги давлат ва жамоат арбобларига, демократик ташкилотларга, шунингдек айрим гражданларга самимий миннатдорчилик изҳор этадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Американинг ўртача олисликка учириладиган ракеталари Ғарбий Европада жойлаштирила бошлаганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотини маъқуллади ва тўла равишда қўллаб-қувватлади. Сиёсий бюронинг мажлисида уқтириб ўтилишича, бу Баёнотда бутун партия билан бутун совет халқининг хоҳиш-иродаси, уларнинг ҳозирги АҚШ маъмурияти ва НАТО блокининг авантюрачиликдан иборат милитаристлик сиёсатига муносиб жавоб беришга, мамлакатимизнинг ва умуман социалистик ҳамдўстликнинг хавфсизлигини пухта равишда ҳимоя қилишга қаттиқ аҳд қилганликлари мужассам ифодалаб берилган. Совет Иттифоқининг жавоб чоралари Америка империализми бузишга интилаётган ҳарбий мувозанатни таъминлаш учун мутлақо зарур. Айни вақтда Совет Иттифоқи ҳеч кимга хавф солаётгани йўқ. У қуролланиш, аввало, ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ядро уруши хавфини камайтириш ва пировард натижада бутунлай тугатишга қаратилган принципиал йўлнинг тарафдори бўлиб келди ва тарафдори бўлиб қолмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида меҳнаткашларнинг 1983 йил 15 октябрдаги шанбаликда ишлаб топган маблағидан фойдаланиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу маблағни мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари тармоғини ривожлантиришга сарфлаш тўғрисидаги таклиф маъқулланди. Москва шаҳри ва Москва области меҳнаткашлари ишлаб топган маблағ асосан совет халқининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида қозонган ғалаба ёдгорлигини қуришга мўлжалланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мамлакатда ўрмондан фойдаланишни яхшилаш ҳамда ўн иккинчи беш йилликда ва истиқболда ўрмон комплексини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Шу масалани муҳокама қилиш пайтида уқтириб ўтилганидек, ўрмон миллий бойликнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, ундан халқ хўжалигининг манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш лозим. Аммо, жуда катта ўрмон ресурслари мавжудлигига қарамай, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигининг ўрмон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилмаяпти. СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги билан СССР Ўрмон хўжалиги давлат комитети белгиланган план топшириқларининг мунтазам бажарилишини таъминламаяптилар. Шу идораларнинг ва улар раҳбарларининг фаолиятида уюшқоқлик, ўрмончиликни бошқаришга ягона ёндашиш етишмаяпти, ёғоч тайёрлаш ва ўрмонни қайта тиклаш, ишларни комплекс механизациялаш, ёғоч ташиладиган йўллар қуриш, ўрмон посёлкаларини ободонлаштириш қувватларини ривожлантиришга дуруст эътибор берилмаяпти. Ўрмон маҳсулотлари ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш, шу маҳсулотларни кўпроқ чиқариш, ёғочни қайта ишлаш технологиясини яхшилаш соҳасидаги ишлар суст ўтказилмоқда, ёғоч тайёрлаш ва қайта ишлаш чиқитлари кўп. Баъзи маҳаллий партия ва совет органлари мавжуд ўрмон ресурсларидан янада тўла-тўкис фойдаланиш масалалари билан етарли равишда шуғулланмаяптилар, ўрмон саноати хўжаликлари, ўрмон хўжаликлари, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз корхоналарининг ишига эътиборни сусайтириб юбордилар, комплекс хўжаликларнинг кенг тармоғини вужудга келтириш чораларини кўрмаяптилар.

Мамлакатни иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш учун ўрмон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг муҳимлигини эътиборга олиб, Сиёсий бюро шу масала юзасидан қарор тайёрлаш учун таклифларни СССР Министрлар Советига топшириш зарур деб ҳисоблади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида Н. А. Тихоновнинг француз корхона эгалари миллий кенгашининг делегацияси билан, Франция ташқи савдо ва туризм министри Э. Крессон билан, шунингдек ГФР экономика министри О. Ламбсдорф билан қилган суҳбатлари якунлари маъқулланди. А. А. Громиконинг Ироқ Республикаси ташқи ишлар министри Т. Азиз билан қилган музокаралари тўғрисидаги ахбороти тингланиб, маъқулланди.

Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси К. У. Черненко ва Б. Н. Пономаревнинг Ливан Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Ж. Хауи бошчилигидаги партия делегацияси билан қилган суҳбатини, шунингдек коммунистик ва революцион демократик партиялари матбуоти вакилларининг 1983 йил 9—10 ноябрь кунлари Москвада бўлиб ўтган учрашуви тўғрисидаги ахборотни маъқуллади.

Сиёсий бюронинг мажлисида мамлакат ички турмуши ва халқаро аҳволнинг бошқа баъзи масалалари муҳокама қилинди.

## КОСМОСДАГИ УЛКАН ҒАЛАБА

СОВЕТ КОСМОНАВТЛАРИ В. А. ЛЯХОВ БИЛАН А. П. АЛЕКСАНДРОВНИНГ 150 КУНЛИК ПАРВОЗИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ.

«САЛЮТ-7» — «СОЮЗ» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИНИНГ КОСМОСДА УЗОҚ ВАҚТ УЧИШИНИ ТАЙЁРЛАШДА ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ОЛИМЛАР, КОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИШЧИЛАРГА, ҚАТНАШГАН БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА,

## КОСМОНАВТЛАР
### Владимир Афанасьевич ЛЯХОВга, Александр Павлович АЛЕКСАНДРОВга

Азиз ўртоқлар!

Совет фани ва техникаси космик фазони тинчлик мақсадларида планли равишда ўзлаштириш соҳасида яна бир ажойиб ғалабага эришди. Совет космонавтлари Владимир Афанасьевич Ляхов билан Александр Павлович Александровнинг «Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексидаги 150 кунлик учиш программаси муваффақиятли равишда тугалланди.

Учиш давомида экипаж муҳим илмий ва халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган катта ҳажмдаги илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларни бажарди. Мамлакатимиз табиий ресурсларини тадқиқ этиш ва атроф-муҳитни ўрганиш программасига доир кенг кўламдаги маълумотлар олинди. Келгусида космосда янги материаллар ва шифобахш препаратлар ишлаб чиқаришга асос солувчи технология жараёнлари ҳамда қурилмалари ишлаб чиқилди ва синаб кўрилди.

Очиқ космосда қўшимча қуёш батареяларини ўрнатиш борасидаги мураккаб монтаж-йиғув ишлари ўтказилганлиги киши бошқарадиган учишлар практикасида принципиал янги босқичдир. Бу эса станциянинг энергетика имкониятларини анча кўпайтиради ҳамда унинг ичида ўтказиладиган илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар программасини кенгайтириш имкониятини беради.

(Давоми иккинчи бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

**Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар қилишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1983 йил январь—ноябрь ойлари планини муддатидан илгари — 25 ноябрь куни бажардилар.**

**Кўмир ва нефть қазиб олиш, машинасозлик маҳсулотининг бир қанча турларини, цемент, шифер, шойи газлама, трикотаж, пайпоқ, чарм пойабзал, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва буюмларнинг бошқа турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн бир ойлик планнинг ошириб бажарилиши кутилмоқда. (ЎзТАГ).**

## «КОСМОС-1510» ПАРВОЗДА

**1983 йил 24 ноябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-1510» учирилди.**

**Йўлдош ичига космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишламоқда. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).**

# 5.500.000 ТОННА! ТАЙЁР!

# КОСМОСДАГИ УЛКАН ҒАЛАБА

«САЛЮТ-7» — «СОЮЗ» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИНИНГ КОСМОСДА УЗОҚ ВАҚТ УЧИШИНИ ТАЙЁРЛАШДА ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ҚАТНАШГАН ОЛИМЛАР, ҚОНСТРУКТОРЛАР, ИНЖЕНЕРЛАР, ТЕХНИКЛАР ВА ИШЧИЛАРГА, БАРЧА КОЛЛЕКТИВЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА,

## КОСМОНАВТЛАР

## Владимир Афанасьевич ЛЯХОВга, Александр Павлович АЛЕКСАНДРОВга

(Боши биринчи бетда).

Ўтказилган монтаж-йиғув ишлари орбитада истиқболли конструкцияларни йиғиш технологиясини янада такомиллаштириш учун катта аҳамиятга эгадир.

Мардлик ва юксак профессионал маҳорат кўрсатган экипажнинг аниқ-пухта ишлаганлиги туфайли орбитада мисли кўрилмаган монтаж операцияларини амалга ошириш мумкин бўлди.

Кенг кўламдаги илмий программа муваффақиятли бажарилганлиги кўпгина илмий, конструкторлик ва ишлаб чиқариш коллективларининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимизда яратилган космик техникадан фойдаланишнинг яхши имкониятларини намойиш этди.

Совет космонавтикаси ўзининг космосни ўзлаштиришдаги асосий йўналишини—киши бошқарадиган мураккаб орбитал комплексларни яратишни дадил ва изчиллик билан ривожлантириб бормоқда. Ана шундай комплекслар улардан узоқ вақт фойдаланиш чоғида ҳал этилаётган вазифаларнинг характерига қараб такомиллаштирилиши ва реконструкция қилиниши мумкин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети космосда узоқ вақт учиш программаси аъло даражада бажарилганлиги билан Владимир Афанасьевич Ляховни ва Александр Павлович Александровни самимий қутлайдилар.

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ вақт давом этган киши бошқарадиган учишни амалга оширишда қатнашган олимларни, конструкторларни, космодромдаги, Космонавтларни тайёрлаш марказидаги, Учишни бошқариш марказидаги, команда-ўлчов ва қидирув-қутқарув комплексларидаги инженерлар, техниклар, ишчилар, мутахассисларни, барча коллективлар ҳамда ташкилотларни қизғин табриклаймиз.

Азиз ўртоқлар! Ватанимиз космонавтикасининг янги муваффақияти КПСС XXVI съезди космик фазони фан ва халқ хўжалигини ривожлантириш манфаатларини кўзлаб бундан буён ҳам ўрганиш ва ўзлаштириш соҳасида ўртага қўйган ўн биринчи беш йиллик вазифаларини ҳал этишга қўшилган муҳим ҳисса бўлиб, совет фани ва техникаси фан-техника тараққиётининг илғор марраларида турганлигининг ёрқин далилидир.

Азиз ўртоқлар, мураккаб космик техникани яратиш, илмий вазифалар ва халқ хўжалик вазифаларини бажариш учун мўлжалланган киши бошқарадиган орбитал комплексларни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришдан иборат фахрли ва масъулиятли ишларингизда сизларга янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз.

| | | |
|---|---|---|
| КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ |

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Биз, «Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ давом этган экспедицияни тайёрлаш ва амалга оширишда қатнашган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари, ишчилари ҳамда космонавтлари меҳнатимиз доимо қўллаб-қувватланаётганлиги учун, Ватан фани ва техникасининг янги ютуғи муносабати билан самимий табрик сўзлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига чуқур миннатдорчилик изҳор этамиз.

Киши бошқарадиган 150 кунлик учиш давомида илмий-техник ва медицина-биологик тадқиқотлар ҳамда экспериментларнинг планлаштирилган программаси бажарилди, экипаж очиқ космик фазога икки марта чиққан вақтида «Салют-7» станцияси корпусига киши бошқарадиган комплекснинг умумий электр қувватини кўпайтириш учун иккита қўшимча қуёш батареяси ўрнатилди.

Космонавтлар Владимир Ляхов билан Александр Александров ўтказган мана шу ноёб монтаж операциялари «Салют-7» орбитал станциясида илмий-тадқиқотлар ва экспериментларни бажариш имкониятларини анча кенгайтиради, Ер атрофи орбиталарида киши бошқарадиган катта ҳажмли комплексларни йиғиш реаллиги ҳамда истиқболли эканлигини тасдиқлайди.

Киши бошқарган ва узоқ давом этган навбатдаги учиш муваффақиятли тугалланганлиги шу ишларда қатнашган коллективлар ва корхоналарнинг XI беш йиллик учинчи йили планларини бажаришга қўшган муносиб ҳиссасидир.

Биз космик фазони тинчлик мақсадларида, Ер юзидаги барча кишиларнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам ўзлаштириш борасидаги янги-янги вазифаларни ҳал этиш учун бутун кучимиз, билимимиз ва тажрибамизни сарфлаймиз, деб Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва СССР Министрлар Советига ваъда берамиз.

## КОСМОНАВТЛАР ВЛАДИМИР ЛЯХОВ ВА АЛЕКСАНДР АЛЕКСАНДРОВ ЕРГА ҚАЙТИБ ТУШДИЛАР

### ТАСС АХБОРОТИ

**Космонавт ўртоқлар Владимир Афанасьевич Ляхов билан Александр Павлович Александров «Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида 150 кунлик учиш программасини муваффақият билан тугатиб, 1983 йил 23 ноябрь куни Москва вақти билан соат 22 дан 58 минут ўтганда ерга қайтиб тушдилар.**

«Союз Т-9» кемасининг туширилувчи аппарати Совет Иттифоқи территориясининг белгиланган райони — Жезқазған шаҳридан 160 километр шарқда ерга қўнди. Космонавтлар қўнишдан кейин ҳам ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Экипаж узоқ учиш мобайнида кўпдан кўп илмий-техник ва медицина-биологик тадқиқотлар ҳамда экспериментларни бажарди.

Экипажнинг иш программасида илм-фан ва мамлакат халқ хўжалигининг манфаатлари йўлидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган геофизик тадқиқотларга катта ўрин берилди. Ернинг табиий ресурслари, атмосферанинг ҳолати, далалардаги мавсумий ўзгаришлар, дунё океанининг биологик маҳсулдорлиги тўғрисида кўп статистик материал тўпланди.

Космик материалшунослик программасига доир янги тадқиқотлар бажарилди. «Кристалл» установкаси характеристикалари яхшиланган ярим ўтказгич материал намуналари олинди, «Пион» аппаратининг ёрдами билан эса орбитал учиш шароитларида физик жараёнларнинг хусусиятларини ўрганишга доир бир қанча экспериментлар бажарилди. Бевосита станция ичида «Электротопограф» приборидан фойдаланиб, очиқ космос таъсиридан кейин конструкцион материалларнинг ҳолати тадқиқ этилди. «Таврия» биотехнологик установкаси воситасида вазнсизлик шароитларида алоҳида соф оқсил препарат олишга доир муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган экспериментлар ўтказилди.

«Салют-7» станциясида космик учиш шароитларида олий ўсимликларни ўстириш технологиясини пишиқтиришни мақсад қилиб қўйган биологик экспериментлар давом эттирилди.

«Салют-7» станциясининг ташқи юзида мураккаб монтаж ишларини бажариш экипажнинг учиш программасининг муҳим қисми бўлди. Ляхов ва Александров ўртоқлар очиқ космосга икки марта чиқиш пайтида (бу чиқишларнинг жами давомати беш соату 45 минутга борди) станция электр таъминот системаси қувватини ошириш ҳамда очиқ космик фазода монтаж-йиғув ишларини бажариш методларини янада пишиқтириш мақсадида станцияга қўшимча қуёш батареяларини ўрнатдилар. Шу ноёб экспериментнинг амалга оширилиши киши бошқарадиган узоқ муддатли орбитал комплексларни ривожлантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишда янги-янги истиқболлар очиб беради.

Узоқ давом этган экспедиция мобайнида экипаж муттасил медицина текширувларидан ўтказилиб турди. Шунда олинган янги маълумотлар вазнсизлик шароитларида, шу жумладан очиқ космос шароитларида инсоннинг актив фаолиятда бўлиши мумкинлигини тасдиқлайди ва киши бошқарадиган станцияларда космонавтлар ишлаши ва ҳордиқ чиқаришининг энг мақбул режаларини белгилаб олишда шу маълумотлардан фойдаланилади. Профилактик медицина тадбирлари комплекси Владимир Ляхов ва Александр Александровда юксак ишчанликни сақлашга ҳамда уларнинг соғлиғи яхши бўлишига имкон берди.

Орбитал комплексларни бошқариш методларини пишиқтириш мақсадида анчагина техник экспериментлар бажарилди, келгуси космик аппаратларнинг янги приборлари ва ускуналари синовдан ўтказилди.

Космонавтларнинг ишлаши учун зарур жамики асбоб-ускуна, аппарат ва ишлатиладиган материалларни «Космос-1443» йўлдош кемаси билан «Прогресс-17» ва «Прогресс-18» автомат юк кемалари станцияга элтди. Экипаж станцияда бажарган тадқиқот натижаларидан иборат материаллар «Космос-1443» йўлдош кемасининг ерга қайтиб тушадиган аппаратида, шунингдек киши бошқарадиган «Союз Т-9» кемасида ерга келтирилди.

«Салют-7» станциясида навбатдаги экспедиция учиш программасининг муваффақиятли амалга оширилишига кўпгина илмий коллективлар, конструкторлик ва ишлаб чиқариш коллективларининг, экипажнинг, космодром, Космонавтларни тайёрлаш маркази, Учишни бошқариш маркази, команда-ўлчов ва қидириш-қутқариш комплекслари мутахассисларининг уюшган ҳолда аниқ ишлашлари натижасида эришилди.

Космосда 150 кунлик учиш вақтида олинган тадқиқот ва эксперимент натижалари мамлакатимиз фани, техникаси ва халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида қўлланилади.

Навбатдаги узоқ давом этган киши бошқарадиган учишнинг амалга оширилганлиги Ватан фани ва техникасининг космик фазони тинчлик мақсадларида ўзлаштиришда эришган янги катта муваффақияти, ўн биринчи беш йиллик учинчи йили вазифаларини ҳал этишга қўшилган муносиб ҳиссадир.

### *СССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

### СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. А. ЛЯХОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ давом этган космик учишни муваффақиятли равишда амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Владимир Афанасьевич **Ляхов Ленин** ордени ва **иккинчи «Олтин Юлдуз»** медали билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ В. А. Ляховнинг жасоратини нишонлаш юзасидан қаҳрамоннинг юртида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Ю. АНДРОПОВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль.
1983 йил 23 ноябрь.

### *СССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

### КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ А. П. АЛЕКСАНДРОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида узоқ давом этган космик учишни муваффақиятли равишда амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи ўртоқ Александр Павлович **Александровга Совет Иттифоқи Қаҳрамони** унвони берилиб, **Ленин** ордени ҳамда **«Олтин Юлдуз»** медали топширилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Ю. АНДРОПОВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1983 йил 23 ноябрь.

### *СССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

### ЎРТОҚ А. П. АЛЕКСАНДРОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-7» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексида космик учишни амалга оширганлиги учун ўртоқ Александр Павлович **Александровга «СССР космонавт-учувчиси»** унвони берилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Ю. АНДРОПОВ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.**

Москва, Кремль. 1983 йил 23 ноябрь.

# СССР САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ СЪЕЗДИГА

СССР Министрлар Совети Савдо-саноат палатаси съездининг делегатларини табриклайди.

СССР Савдо-саноат палатаси партия XXVI съездининг қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг съезддан кейинги Пленумлари қарорларини ҳамда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида қўйилган вазифаларни бажара бориб, Совет Иттифоқининг чет мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантиришга самарали ёрдам бермоқда.

Палатанинг ташқи алоқалари кенгайди, СССРда ва чет элларда виставкаларни ташкил этиш, ихтироларни патентлаш, экспорт моллар ва импорт молларни экспертизадан ўтказиш, таржима, реклама қилиш, ташқи савдо арбитражи ва денгизчилик арбитражи борасидаги фаолияти янада ривожланди. 1982 йилда палатанинг Халқлар дўстлиги ордени билан мукофотланиши унинг самарали ишига берилган юксак баҳодир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги тўрт ярим мингтадан кўп саноат корхонаси, ташкилотлар палатанинг ҳақиқий аъзоларидир.

Палата Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқ қилувчи асосий шериклар бўлган деярли ҳамма мамлакатларнинг шундай ташкилотлари билан қалин амалий алоқалар боғлаб турибди.

СССР Савдо-саноат палатасининг Совет Иттифоқининг чет мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга ёрдам бериш борасидаги фаолияти ижтимоий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш ленинча сиёсати моддий негизларини мустаҳкамлашга хизмат қилади, бошқа мамлакатлар билан тинчлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Империалистик кучларнинг айби билан халқаро вазият мушкуллашган шароитда бу нарса алоҳида аҳамият касб этади.

СССР Министрлар Совети СССР Савдо-саноат палатасининг фаолияти бундан буён ҳам СССР иқтисодий қудрати ўсишига, совет кишиларининг фаровонлиги ошиши ҳамда Совет Иттифоқи билан чет мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишига кўмаклашаверади, деб ишонч билдиради.

**СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.**

## КРЕМЛДА СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов амалий визит билан Москвага келган ЮСФР Иттифоқ ижроия вечеси раисининг ўринбосари Б. Сребрични 24 ноябрь куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбат чоғида Совет — Югославия ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилди. Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалар муваффақиятли ривожланиб бораётганлиги мамнуният билан қайд этиб ўтилди, Совет — Югославия ҳужжатларида қайд этилган принциплар ва аҳдлашувлар барча соҳалардаги ҳамкорликнинг узоқ муддатли пухта асоси эканлиги таъкидланди. Ҳар иккала томон Совет ва Югославия халқлари, тинчлик ва социализм иши манфаатларини кўзлаб СССР билан ЮСФР ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама алоқаларни янада чуқурлаштиришга интилаётганлиги билдирилди.

Халқаро вазият хатарли равишда кескинлашаётганлигидан ташвиш билдирилди, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида олға сурилган совет тинчлик ташаббуслари тинчликни сақлаб қолиш, ядро урушининг олдини олиш учун, мамлакатлар билан халқлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш учун аҳамиятли эканлиги таъкидланди, қўшилмаслик ҳаракати тинчлик учун курашнинг актив омили эканлиги қайд этиб ўтилди. (ТАСС).

### ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР МУДОФАА МИНИСТРЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ БЎЛАЖАК МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

1983 йил декабрь ойининг биринчи ярмида Болгария Халқ Республикасининг пойтахти — София шаҳрида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлади.

### АФҒОНИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР

Афғонистон Демократик Республикаси зиёлиларидан бир группаси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалини бориб кўрдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар. Улар Ўзбекистон ССР Министрлар Советида, Узсовпрофда қабул қилиндилар.

Афғонистон зиёлилари Фарғона, Андижон ва Наманганга сафар қиладилар. (ЎзТАГ).

## ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигидаги совет давлат делегацияси 24 ноябрь куни Москвадан Хельсинкига жўнаб кетди.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни делегация Хельсинкига етиб борди.

Аэропортда В. В. Кузнецов қуйидаги баёнотни берди:

Совет давлат делегацияси Финляндия Республикасининг президенти Мауно Койвистонинг 60 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қатнашиш учун Хельсинкига келди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, СССР билан Финляндия ўртасидаги анъанавий яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатлари 35 йилдан бери дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги 1948 йил шартномаси асосига муваффақиятли равишда қурилиб келаётганини алоҳида мамнуният билан қайд этмоқчимиз. Бу муносабатлар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати, тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатлари йўлида доимо чуқурлашиб, кенгайиб бормоқда. Шартноманинг амал қилиш муддати яна навбатдаги йигирма йиллик даврга узайтирилганлиги Совет — Финляндия ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда катта қадам, Европадаги вазиятни барқарорлаштиришда шонли бир иш бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов таъкидлаганидек, «СССР билан Финляндия ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстлик халқаро вазият барометри милларининг тебранишларига қараб ўзгармаслигини ва аниқ-равшан келажакни кўзлашини ҳамма кўриб турибди».

Бизнинг мамлакатимизда юксак обрў-эътибор қозонган президент Мауно Койвисто Совет — Финляндия дўстона муносабатларини мустаҳкамлаш ишига шахсан катта ҳисса қўшмоқда.

Биз меҳмондўст Финляндия диёрига қадам қўяр эканмиз, унинг халқига мамлакатимиз халқидан, совет раҳбарларидан, шахсан Юрий Владимирович Андроповдан самимий саломлар ҳамда эсон-омонлик, равнақ ва тинчлик тилаб билдирилган эзгу истаклар топширишни истаймиз. (ТАСС).

## МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети тола ишлаб чиқариш ва пахтани сифатли қайта ишлаш юзасидан пахта заводлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил ноябрь ойи иккинчи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

**Пахтакор пахта заводи** (I ўрин). Бу завод тола ишлаб чиқариш планини 150 процент бажарган, тола олиш планини 0,16 процент ошириб адо этган, 24 тонна пахтани тежаган, ишлаб чиқариш чиқитини 0,1 процент камайтирган, пахтанинг паст сортли толага ўтказилишига йўл қўймаган ва пландан ташқари 14 минг сўм фойда олган. Байроқ Учтепа пахта заводидан олиб берилади.

**Чиноз пахта заводи** (II ўрин). Бу завод тола ишлаб чиқариш планини 118 процент қилиб бажарган, тола олиш планини 0,1 процент ошириб адо этган, 3 тонна пахтани тежаган, ишлаб чиқариш чиқитлари нормативдан юқори бўлишига ва пахтанинг паст сортли толага ўтказилишига йўл қўймаган ҳамда пландан ташқари 3 минг сўм фойда олган. Байроқ Манғит пахта заводидан олиб берилади.

**Учтепа, Жума, Бахт, Верхневолинское, Беруний, Шовот, Янгибозор, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ва Далварзин** пахта заводлари коллективларининг яхши ишлаганлиги қайд этиб ўтилди.

### *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони*

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ХИМИЯ ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республикада химия фанини ривожлантириш ва унинг ютуқларини халқ хўжалигига жорий этишдаги хизматлари, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаганлиги учун ва ташкил этилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Химия институти Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари**
**Г. ОРЛОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари**
**Г. ҲАЙДАРОВА.**

Тошкент шаҳри, 1983 йил 24 ноябрь.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада химия фанини ривожлантириш ва унинг ютуқларини халқ хўжалигига жорий этишдаги хизматлари, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институти директорининг ўринбосари — химия фанлари доктори Насриддин Аброрович **Сирожиддиновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби»** фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институти ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

# ТИНЧЛИК — ИДЕАЛИМИЗ

БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИ ҚАТОРИ ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲАМ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ РАИСИ Ю. В. АНДРОПОВНИНГ БАЁНОТИНИ ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, ТИНЧЛИК ИШИГА ЎЗ ҲИССАЛАРИНИ ҚЎШИШ МАҚСАДИДА ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ УЧИНЧИ ЎЗАК ЙИЛИ ПЛАН ВА СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИШ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР.

## ТИЛДАГИ, ДИЛДАГИ СЎЗЛАР

Биз, Ленинск шаҳридаги 41-автокорхона ҳайдовчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советининг Президиумининг Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг кеча Марказий матбуотда эълон қилинган Баёнотини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик ва радио-телевидение орқали ҳаяжонланиб тингладик. Буюк давлатимиз бошлиғи нафақат совет кишилари, барча социалистик мамлакатлар халқлари тилидаги ва дилидаги сўзларни очиқ баён этган.

Совет кишилари қатори биз ҳам ўртоқ Юрий Владимирович Андроповнинг Баёнотида қайд этилган ҳамма фикр-истакларни қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатимизда, жаҳонда Тинчликнинг барқарор бўлиши учун ўзимизнинг эркин, озод меҳнатимиз билан баракали ҳисса қўшаверамиз. Зеро, меҳнатимиз нақадар салмоқли, залворли бўлса, Тинчлик ишига, уни мустаҳкамлаш ишига қўшган улушимиз ҳам шу қадар салмоқли, залворли бўлади. Биз сменадош ҳайдовчилар беш йиллик топшириғимизни тўрт йилда бажаришга аҳд қилганмиз. Айни кунлардаги меҳнат кўрсаткичларимиз берган сўзимизнинг устидан барвақтроқ чиқишимиздан далолат беряпти. Кунлик топшириқларимизни муттасил 110—115 процент бажариб, кўплаб миқдорда эҳтиёт қисмлар, ёнилғи материаллари, автошина ва резина маҳсулотларини тежаб қоляпмиз.

**Қўчқорбой МАТБОБОЕВ, Қўшоқбой СОДИҚОВ,**
**Андижон область, Ленинск шаҳридаги 41-автокорхона ҳайдовчилари, коммунистик меҳнат зарбдорлари.**

## УРУШ ОЛОВИНИ ЁҚУВЧИЛАРГА МУНОСИБ ЖАВОБ

Океан нарёғидаги уруш оловини ёқувчиларга зарба берамиз, ҳозирги ва келажак авлодлар учун тинчликни сақлаб қоламиз — В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи ва хизматчилари якдиллик билан мана шундай дейишди. 25 ноябрь куни бўлиб ўтган митингда бош завод коллективи қабул этган резолюцияда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг Баёнотида белгилаб берилган қоидалар ва хулосалар қатъият билан қўллаб-қувватланганлиги айтилди.

АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг ядровий дўқ-пўписасига жавобан совет раҳбарлари кўрган чораларни самолётсозлар астойдил маъқуллаб кутиб олдилар ва тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар. Бирлашма бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Н. Сивец, йиғув цехининг мастери Т. С. Батишчева, агрегат-йиғув ишлаб чиқариши парткомининг секретари В. М. Панов, информация-ҳисоблаш марказининг оператори У. Саитовалар ўз нутқларида самолётсозларнинг мамлакат мудофаа қудратини кучайтириш ишига муносиб ҳисса қўшишга, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини оширишга азму қарор берганликларини изҳор этдилар.

Империалистлар бизнинг куч-қудратимизни синаб кўришга неча марталаб жазм қилдилар. Биздан ҳарбий устунликка эришишга неча марталаб уриниб кўрдилар, дейишди нотиқлар. Ҳар сафар ҳам улар мулзам бўлиб қолдилар. Ҳозир, қуролланиш пойгаси алоҳида хатарли босқичга кирган бир пайтда мана шу урушқоқлар яна иложсиз ишни қилиш — ядровий тўқнашувда ғалаба қозониш орзусига тушиб қолибдилар. Ўртоқ Ю. В. Андропов бутун совет халқи номидан калтабин стратегларни огоҳлантирди: улар ўзларини-ўзлари ҳалок қиладиган сиёсат ўтказмоқдалар, аввало, ўз мамлакатлари ва халқларини ҳалокат хавфига дучор қилмоқдалар. Совет кишиларини чўчитиб ва уларнинг иродасини букиб бўлмайди: Ғарбдаги ҳамма кимсалар тарихнинг шу сабоғини эсдан чиқармасинлар.

(ЎзТАГ).

